

ҲАЁТИМИЗГУЛЛАРИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 48 (3530)

8

МАРТ
ЧОРШАНБА

1967 йил

Баҳоси 2 тийин

БУГУН 8 МАРТ—ХАЛҚАРО

ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ ҚУРУВ-
ЧИЛАРИ—СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА
ШОН-ШАРАФЛАР!

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ 8 МАРТ МУНОСАБАТИ
БИЛАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИ

Азиз хотин-қиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни халқаро хотин-қизлар куни—8 Март билан—тенг ҳуқуқлик учун, демократия ва социализм, халқлар озодлиги ва миллати мустақиллиги учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда хотин-қизларнинг бирдамлик байрами билан чин кўнгилдан қизгин қутлайди.

Бизнинг мамлакатимизда 8 март куни халқнинг сеvimли байрамларидан бири бўлиб қолди, мана шунинг ўзи ҳам совет жамиятида хотин-қизларга ҳурмат нақадар катта эканлигини кўрсатувчи ёрқин далилларнинг биридир.

Бу йил Ватанимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали нишонлайди. Шонли юбилей халқаро хотин-қизлар кунига ҳам алоҳида аҳамият бахш этди. Октябрь революциясининг ғалабаси хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигига чек қўйди, уларни қудликдан озод қилиб, ижтимоий, ижодий фаолиятнинг кенг йўлига чиқариб қўйди, хотин-қизларнинг истеъдодлари ва қобилиятларини ривожлантирмоқ учун кенг имкониятлар очиб берди. Урушнинг дахшатли йилларида ҳам, тинч қурилиш йилларида ҳам совет хотин-қизлари эркаклар билан бирга мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар, Ватан бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси учун фидокорона ва қаттиқ туриб меҳнат қилдилар. Улар жаҳонда биринчи социалистик тузум бунёдкорлари зиммасига тушган ҳамма қийинчиликлар ва синовларга бардош бердилар.

Мамлакатимиз хотин-қизлари социализм шароитида эркин ва тенг ҳуқуқли, мағрур ва жасур, ўқимишли ва актив, ўз келажагига нишонган ва бахтиёр кишилар бўлиб қолдилар. Бутун дунёнинг миллион-миллион меҳнаткаш хотин-қизлари уларга қойил қолмоқдалар, уларга тақдир қилмоқдалар, уларга тенглашмоқдалар.

СССРда хотин-қизларнинг ўз қайратлари ва ташаббусларини кўрсатишлари учун кенг майдон очиб берилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида, фан, маориф ва соғлиқни сақлаш ишларида, адабиёт ва санъатда, спорт ташкилотларида ва бошқалар муассасаларида миллион-миллион совет меҳнаткаш хотин-қизлари ишлаб турибди. Уларнинг истеъдоди, ўткир зеҳни, тежамкорлик, ғамхўрлик билан қилаётган иши ҳамма жойда, коммунистик қурилишнинг ҳар бир участкасида сезилиб турибди.

Совет хотин-қизлари Владимир Ильич Ленин васиятларини бажо келтириб, барча давлат ишларида: совет қонунларини, халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, партия ва Совет ҳокимиятининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда эркаклар билан баббаравар актив қатнашмоқдалар. Партия съездлари ва конференциялари, СССР Олий Советига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, маҳаллий советларга юз минглаб хотин-қизлар сайланмоқда.

Бизнинг аёлларимиз ўз ўғиллари ва қизларини совет кишиларига хос энг яхши сифатларга эга қилиб—коммунизм идеалларига садоқатли, юксак даражада сиёсий онгли, меҳнат сева, коллективизм руҳига берилган, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернациона-

лиزمи руҳи билан суғорилган кишилар қилиб тарбияламоқдалар ва камолга етказмоқдалар.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати хотин-қизларнинг турмуши яхши ва гўзал бўлсин, деб ҳаммаша ғамхўрлик қилмоқда, уларнинг маънавий талабларини тўлақон қондиришга интилмоқда. Уй-жой—манший шароит йилдан-йилга яхшиланмоқда, болалар боғчалари ва ясилаари тобора кўпайтирилмоқда, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш тақомиллаштирилмоқда. Совет оиласи муттасил мустаҳкамланмоқда, коммунистик ахлоқ принциплари ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бормоқда.

Халқаро хотин-қизлар ҳаракатида совет хотин-қизларининг роли катта. Уларнинг бутун дунёдаги прогрессив хотин-қизлар ташкилотлари билан алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Совет Иттифоқи хотин-қизлари ҳақсизлик ва қашшоқликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик бўлиши учун, болаларнинг бахтли бўлиши учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар, улар Американинг Вьетнамдаги боққинчилик агрессиясига, империалистларнинг инсониятни янги жаҳон уруши қаҳрига ташлашга қаратилган уринишларига кескин қарши чиқмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети шу нарсага ғоят аминдирки, совет хотин-қизлари партия XXIII съездининг қарорларини амалга ошириш учун бутун халқ билан биргаликда бундан буён ҳам ҳормай-толмай курашаберадилар, ватанимиз қудратини ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан мустаҳкамлайберадилар, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини саноат ва қишлоқ хўжалигида, фан ва маданиятда янги муваффақиятлар билан қутиб оладилар.

КПСС Марказий Комитети совет хотин-қизларига даъват қилиб шунини айтадики:

— Марксизм-ленинизмнинг энгилмас байроғи остида, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида тагин ҳам маҳкамроқ жипслашингиз,

— Коммунизм қурувчиларининг, тинчлик учун актив курашчиларининг биринчи сафларида бўлингиз,

— Социалистик қамдўстлик мамлакатларининг хотин-қизлари билан қамдўстликни ҳаммаша мустаҳкамлангиз, меҳнат, ижтимоий фаолият ва болаларни тарбиялашдаги тажрибаларини улар билан ўртоқлашингиз,

— Жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг меҳнаткаш хотин-қизлари билан интернационал алоқаларни ҳормай-толмай мустаҳкамлангиз.

КПСС Марказий Комитети совет хотин-қизларига меҳнатда, давлат ва ижтимоий фаолиятда ижодий муваффақиятлар, турмушда катта бахт тилаб қизгин истак билдиради.

Яшасин совет хотин-қизларига озодлик, тенг ҳуқуқлик ва бахт-саодат келтирган Улуғ Октябр!
Совет хотин-қизларига шон ва шарафлар!
Советнинг бутун ер юзидаги меҳнаткаш хотин-қизлар!
Яшасин халқаро хотин-қизлар куни 8 Март!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.



ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Сайловчиларнинг А. Н. КОСИГИН билан учрашуви

Мосидадаги Фрунзе сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Алексей Николаевич Косигин билан учрашмоқ учун 8 мартда Большой театрға келдилар.

Йилгилиш Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. С. Грузинов оқди.

СССР Фанлар академияси радиотехника ва электроника институтининг директори, академик В. А. Котельников, «Стальмонт» трестига қарашли Москвадаги 1-қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчиларининг бригадари И. И. Иванов, 20-мартда ўқитувчи А. П. Ницигина, П. И. Чайковский номидаги Москва консерваториясининг студенти Ольга Фадеевалар

ўз нутқларида А. Н. Косигин Фрунзе сайлов округидан РСФСР Олий Советига овозга қўйилишига розилик берганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, сайловчилар ғоят мамун бўлганликларини айтдилар. Нотиқлар ўз сўзларида сайловчилар 12-мартда коммунистлар билан партиячилар блокнинг номзодлари учун, Ватанимизнинг янгида гуллаб-яшнаши учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун, коммунизм учун яқдидлик билан овоз беражакларини таъкидлаб ўтдилар.

Ишончли вакил—ташқи сардори министрига кўрсатиш, инженер Г. П. Великий айтдики, мамлакатимиз Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига яқинлашиб бормоқда. Социалистик Ватан эришган улкан А. П. Ницигина, П. И. Чайковский номидаги Москва консерваториясининг студенти Ольга Фадеевалар

тасаввур юксик кемалар ва жуда катта электр станциялар билан боғлангандир. Мамлакатимиз Ленин партияси раҳбарлигида қудратли социалистик индустриал давлатга айланди.

Алексей Николаевич Косигин СССР Министрлар Советининг Раисидек юксак лавозимда катта самарали иш олиб бормоқда. У бизнинг бутун куч-ғайрати, катта тажрибаси ва билимларини мамлакатимизда ва билимларини курилишига сарфлаётганини биз яхши билимиз, деди нотиқ.

Г. П. Великий сайловчиларни депутатликка муносиб номзод А. Н. Косигин учун овоз беришга даъват этди.

Мажлис ахли самимий кутиб олган А. Н. Косигин нутқ сўзлади. (ТАСС).

ҚУВОНЧЛИ БАЙРАМ

билан танишдилар. Байрам бозорининг дўконларида гуллар кўли эди. Бу гуллар фақат эркакларга сотилди.

Тантанали йилгилиш Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова қисқача кириш нутқи сўзлаб оқди. У, шаҳар партия комитети ва меҳнаткаш депутатлари шаҳар Совети икрония комитети номидан хотин-қизларнинг шодона байрам билан қизгин қутлайди.

Тантанали йилгилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сийёсий Бюросини фахрий президиумга сайлаш тўғриси-

даги тақдирини гулдўрос қарсанлар билан қутиб оладилар.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзоллигига наидидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляйченко, М. М. Мусахонсов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдуразоқов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдуллик, республиканинг донгдор хотин-қизлари — Урта Осиёда революцион ҳаракат қатнашчилари, ишлаб чиқариш новаторлари, бичонорлар, фан ва маданият арбоблари президиум столи ёнида ҳозир бўдилар.

Йилгилишда «Таштестильмаш» заводининг ишчиси К. И.

Коваленко, шоира Зулфия, «Главмосстрой» кранчиси М. Н. Рязанцева, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Р. Х. Аминова, Калинин раёнидаги Карл Маркс номидаги колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Абдуллаев, қаҳрамон она М. Ойтураева, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси врач С. Мажилова, младший сержант Л. Н. Лебедев ва бошқалар табрик нутқлари сўзладилар. Улар ўз нутқларида коммунистик қурилишнинг барча участкаларида совет хотин-қизлари эришган муваффақиятлар ҳақида таъриб, меҳнаткаш хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларини учун жоанлар партия ва Совет ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилдилар. Юбилей йилида олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ куралига қўшаётган ўз ҳиссаларини қўпайтиришга ваъда бердилар. Ўзбекистон пойтахтининг пионерлари йилгилиш қатнашчиларини самимий табрик-ладилар.

Тантанали йилгилиш санъат усталарининг катта концерти билан тугади. (ЎзТАГ).

ДОИМИЙ СЕМИНАР

малакаси ва гоивий-назарий тайёрларини ошириш мақсадида ташкил қилинган.

Биринчи машғулотда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдуразоқов

«КПСС XXIII съезди хўжалик курилишига партия раҳбарлигининг форма ва методларини тақомиллаштириш вазифалари тўғрисида» лекция ўқиди.

Ҳар ойда бир марта чақириладиган семинарда партия ва совет қурилишининг асосий масалалари бўйича область партия комитетининг секретарлари ва бўлиш мудири лекциялар ўқийди.

Шу воқеага бағишланб 6 мартда «Известия» газетаси редакциясининг конференция залда совет ва чет эл журналистларининг матбуот конференцияси ўтказилди.

«Известия» бош редакторининг ўринбосари Ю. К. Филонович айтдики, газета ўзининг тузилган кунини тарихий 1917 йилдан бошлади, деб ҳисоблаб келмоқда. Россияда самодержавие ағдрилган куннинг эртасига, «Известия» газетаси чиқа бошлади. У давлат ҳокимияти

нинг янги формаси бўлган советлар матбуотининг биринчи органи, янги формациянинг биринчи оммавий газетаси бўлди.

Октябрнинг биринчи кунларида «Известия» революция штабига Сольнкойда жойлашган эди. Редакция иккита хонада иш олиб борар эди. Газетанинг овози ленинча «Правда» билан ҳам оҳанг бўлиб жанговар янграб турди.

Суҳл тўғрисидаги декрет, ер тўғрисидаги декрет, В. И. Лениннинг «Хозирги кунинг бунд вазифаси» мақоласи сингари энг муҳим ҳужжатлар билан унга топширилди, маслаҳатлар бериб турди, истаклар билдирди. 1918 йил бизнинг шиддатли кунларида В. И. Ленин редакцияга келиб турди.

А. М. Горький, Владимир Маяковский, Михаил Кольцов, кўза кўринган совет ва чет эл ёзувчилари, шоирлар, публицистлар бу газетанинг актив қатнашдилар.

«Известия» шаҳар ва қишлоқ газетхоналарининг жуда кенг доираларига мўлжалланган умумий сиёсий оммавий, халқ газетасидир. Унинг саҳифаларида Совет Иттифоқининг ҳаёти, Коммунистик қурилиш муваффақиятлари кенг ёритилмоқда.

Хозирги кунда «Известия» санкиз миллион олти юз етмиш зинг нусхада нашр қилинмоқда. «Известия»нинг газетхоналар билан алоқаси мустаҳкамлигини шу факдан ҳам билиш мумкин: ки, ўтган йилнинг ўзигагина газетанинг редакциясига ярим миллионга яқин хат келди. «Известия» олаёғат хатлар мароғли ва ўзига хоё ҳодисадир. Меҳнаткашларнинг хатларига қараб мамлакатнинг биографиясини, катта ватанпарварлик ишларини географиясини, коммунистик қурилиш йилномасини ўрганиш мумкин.

Газета мамлакатнинг 34 шаҳарида босилмоқда.

Пировардида Ю. К. Филонович журналистларнинг савоаларига жавоб берди. (ТАСС мухбири).



Тошкент пластмасса маҳсулотлари заводининг прессчиси Мухаррам Тураева бешйиллик ваҳтасида туриб ишлаб хотин-қизлар байрами—8 Мартни муносиб меҳнат совғалари билан қутиб оқди. Суратда: М. Тураева иш устида, М. Нуриддинов фотоси.

БУГУН 8-МАРТ—ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Я Н Г И ТОШКЕНТНИ Б У Н Ё Д ЭТАЎТГАНЛАР

Бу қизлар Курек шахридан келишган. Янги Тошкентни бунёд этишда улар муносиб ҳисса қўшибдилар. Россиялик қизлар ўз байрамларини қардошлар оиласида кутиб олиндилар.

А. Тўраев фотоси.



ТАВРИКЛАЙМАН, ОНА ЖОН!

Энди баҳор — осмон локувард. Олам кўхлик, кўрнмайди гард. Шу баҳорга бўлиб эгизан, Яшнаб келган байрам муборак!

Дея, китоб бердим онамга, Сунг бошладим бау хонамга. Волидамга берган китобда, «Она» деган номи бор эди.

Унга китоб узатган тобда, Муҳаббатим барқарор эди. Устирган у менинг қонини, Меҳри билан кутариб бошга.

Ўхшатардим онажонини, Элга энг берган қўшга. У асради ўз фарздини, Қўш бўлиб илқ шийида.

Аллаҳиди жигар бандини, Шу бахтиёр ҳаёт мавжиди. Фарзандлари — зар қокларини, Қудратидан ором олади.

Фарзандлари жони-диллари, Унга боқиб содиқ қолади. Тавриклайман онажонини, Вир умрга жонажонини.

Баҳор билан бирга эгизан Яшнаб келган байрам муборак!

Султон ЭРГАШЕВ.

КОММУНИЗМНИНГ ТОЛМАС КУРАШЧИЛАРИ

Совет хотин-қизлари ўз байрамлари — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартни катта шоду-хурамлик билан кутиб олдilar. Бу осодлик, тинчлик ва тараққиётни қадрловчи бутун дунё хотин-қизларининг байрамидир.

Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март ўзининг жанговар тарихига эга. Социалистик хотин-қизларнинг 1910 йилда Копенгагенда чақирилган II Халқаро конгрессида ишчилар ҳаракатининг машҳур аълои Клара Цеткин ташаббуси билан ана шу кунини ишонилан тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Шундан сўнг 8 Март биринчи марта 1911 йилда Аустрия, Германия, Дания, Швеция, кейинчалик Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларда ишониланди.

Ушандан бери дунёда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. 8 Март демократия ва социализм, озоодлик ва тенг ҳуқуқлик, миллий мустақиллик, бутун дунёда тинчлик учун курашда барча мамлакатлар хотин-қизларининг бирдмлик кунига айланди. Планетамизни қиёсасиз тубдан ўзгартириб юборган Улуғ Октябрь социалистик революцияси фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёда хотин-қизларнинг аҳволига жуда катта ўзгаришлар киритди.

«Социализм, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг шу йил 4 январдаги қарориди, — хотин-қизларнинг сийёси ва иқтисодий тенг ҳуқуқлигини таъминлаб берди. Октябрь революцияси таъинида хотин-қизлар янги турмушнинг актив иштирокчилари бўлиб қолдилар. Уруш даврида ҳам, социализм ва коммунизм қурилиши йилларида ҳам шонли совет хотин-қизлари зўр мардлик, фидоқорлик ва кўнг билан ишлаш намуналарини кўрсатдилар ва кўрсатқодалар. Ҳамма жойда — саноат ва қишлоқ хўжалигида, маориф ва соғлиқни сақлашда, фан ва маданиятда, ёш авлоднинг тарбияшда, давлатни идора қилишда хотин-қизлар коммунизм бинокорларининг биринчи сафларида бормоқдалар».

Бу йил Халқаро хотин-қизлар куни байрами мамлакатимиз меҳнатқиллари КПСС XXIII съезди қарорларини зўр гайрат-ташаббус билан амалга ошираётган ва Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейига катта таъйргарлик кўраётган қизғин дамларга тўғри келди. Халқимиз партия раҳбарлигида коммунизм қурилишининг буюк программасини амалга ошира бориб, янги беш йилликнинг биринчи йилида аjoyиб муваффақиятларни қўлга киритди. Шу улкан зафарларда Тошкент области меҳнатқилларининг, жумладан фидоқор хотин-қизларининг ҳам ҳиссаси бор.

В. И. Ленин хотин-қизларнинг актив иштиронини социалистик революциянинг талаб қозониши амри-мақодир, деган эди. Мамлакатимизда социализм қурилиши тарихи бу сўзларни тўла тасдиқлади. Биз Коммунистик партия ва ҳалқимизнинг озоод, коммунизмнинг оғлини қурувчилари, ўз мамлакатлари ва ўз тақдирларининг чинаман хўжайинлари бўлган янги замон хотин-қизларини тарбиялаб етиштирилганликларини фахр билан қайд қиламиз.

Россияда ва унинг четки ўлкаларида революциядан илгари хотин-қизлар қўлини аҳволида ишчилар, Шафратсиз парият қонуналари, аҳолининг ярама одалари шарқ хотин-қизлари тақдирининг қумрони эди. Улар қариб ҳеч қандай ҳуқуқлардан бойдаланмасдилар. Парашан ва чақон, дин зулмати беюварлари буюв дунёдан мақрум эдилар. Хусусий мулкчилик ва эксплуатация қишлоқнинг парчаллаб ташлаган социализмга хотин-қизларини ҳаётнинг ёрқин йўлига олиб чиқди. Иккунчи яратувчилик меҳнатини ва ўз қиёсқилларини ҳар томонлама иновлятириши учун кенг имкониятлар яратиб берди. Эндиликда ҳалқ хўжалиги ва сийёсий ҳаётнинг, маданият ва илмий тадқиқот соҳасининг бирор участкаси йўқки, у ерда хотин-қизлар муваффақият билан ишламаётган бўлсин.

Совет хотин-қизлари коммунизм қурилиши умумхалқ ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшибдилар. Областида ҳалқ хўжалигида ишловчиларнинг 44 проценти хотин-қизлардир. Улар партия ташкилотлари раҳбарлигида хўжалик ва маданий қурилиш ишларида янги-янги зафарларини қўлга киритмоқдалар. Областида 22 минг хотин-қиз коммунистик меҳнат эарбдори ва коллектини номини олиш учун мусобақалашмоқда. 3 миңдан ортиқ аёлларини ҳозиринги ўзида ана шу шарафли номини олишга мўяссар бўлдилар. «Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги» деган фахрли номини олиш учун курашаётган 62 та коммунистик меҳнат бригадаси орасида хотин-қизлар бошчилик қилган коллективлар анчагина.

Областида меҳнатқиллари Тошкент тўқимачилик комбинатининг арқидовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳат Пўлдошева, Олтинтоған қўрғош-рух комбинатининг плататори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Надежда Воспитанникова, Чирчиқ электромаш комбинати апаратчиси, СССР Олий Совети депутати Анна Косенева, Тошкентдаги Меҳнат заводи электрчилар бригадаси, СССР Олий Совети депутати Серафима Иванова, Бекобод металлургия заводи прокат цехининг оператори Қумри Аҳмедова ва бошқа юзлаб социалистик санаятимиз жонкуларларини бугунги улуғ айёмда зўр ҳурмат билан тилга олади.

Совет ишловининг ирришқор хотин-қизлари шарафли ишларини қилмоқдалар. Улар орасида қишлоқ хўжалик ишлаб чи-

қаришининг аjoyиб усталари етишиб чиқмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова биринчи бўлиб пахта териш машинасини «оқ олтин» дегинида яналов урдириб, дадла ташаббусни бошлаб берди. Ҳозир унинг илошлари 250 га етди. Турсуной Охунова ва унинг Турсуной Раимова, Любовь Ли, Роза Отабоева, Мария Ковалева, Анифа Альчинова, Назира Пўлдошева, Саодат Гулаҳмедова ваби дуноналарининг меҳнатда кўрсатаётган намуналари коммунизм қурилишида совет хотин-қизларининг роли нақадар ошиб бораётганини кўрсатувчи ёрқин далиллар.

Колхоз тузумининг талабаси хотин-қизлар орасидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг талантли ташкилотчиларини тарбиялаб етиштирди. Умри Ҳасанова Урта Чирчиқ районидида Валентина Терешкова номли колхозга 1963 йилдан бери раҳбарлик қилиб келмоқда. Илгари қолоқ бўлган бу колхозда шу йиллар мобайнида ҳосилдорлик тенгтар бошига 14 центнердан 27 центнерга кўтарилди. Олдин ўзбек аёли Умри Ҳасанова ўзининг ташкилотчилик фаолияти ва ишбилармонлиги билан ҳақиқийларнинг ҳурмати ва муҳаббатини қозонди. Улар ўз раисаларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутат қилиб сайладилар.

Турсуной Раимова Янгийўл районидида Охунбобоев номли колхознинг 5-участкасида бошчилик қилади. Қишлоқ хўжалигининг новатори бўлган бу меҳнатқил аёл ҳар йили «зангори кема» билан 150—200 тоннадан пахта таради. У «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган меҳнатқил» деган юксак номини олишга сазовор бўлди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта она Абдуллаеванин Орқонқизде районидида «Правда» илохоз пахтачилик бригадасига бошчилик қилаётганига Янгийўл йил бўлди. У раҳбар бўлган коллектини мунтазам равишда белгиланган планларини ошириб бажаради. Областида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг масъул участкаларига бошчилик қилиб, юксак кўрсаткичларга эришаётган бундай талантли ташкилотчи аёлларинини кўпайиб келтириши мумкин.

Совет ҳокимияти хотин-қизларга билим, фан ва маданият сари кенг йўл очиб берди. Революциядан илгари Туркистонда барча хотин-қизларнинг атиги ярим проценти саводди бўлиб, шунда ҳам уларнинг кўчилиги фақат ўқинишга биларди. Ҳозир Тошкент области халқ хўжалигининг ўзида 38 миңг 200 олий маълумотли хотин-қиз ишламоқда. Урта маълумотли хотин-қиз ходимларимиз эса 40 миңдан ортиқ.

Коммунистик партияимиз марксизм-ленинизм гоилари руҳида тарбиялаган ишчи ва қол-хочки, инженер ва техник, врач ва ўқитувчи, фан аълои, адабиёт ва санъат ижодкори бўлган хотин-қизларимиз ўз куч-гайратлари ва билимларини мамлакатимизда коммунизм талабасини яқинлаштиришдек зғуру учун амалга ошириши учун сарф-қилдилар. Тошкент обла-стида хотин-қизлардан 31 киши республика Олий Советига, 4545 киши маҳаллий Советларга депутат қилиб сайландилар. 51 хотин-қиз области партия комитетининг аъзолидир. Улар давлатини ва

халқ хўжалигини бошқариш ишларида актив қатнашмоқдалар. 12 мартда бўладиган саяловларда ҳам областимиз меҳнатқиллари халқ ишонч билдирган қўнлаб хотин-қизларга овоз бериб, уларни ўз депутатлари сифатида давлатини бошқариш ишларига вакил қилдилар.

Визининг мамлакатимизда оналар ғамхўрлик ва зўрлик билан курашаб олинган. Давлат қонуналари оналарга янги кўп ҳуқуқлар берган, қўлайлиқлари таъминлаган. Областида туғруқхоналар, аёллар ва болалар консултацияларининг кенг тармоқлари вукудга келтирилди. Тошкент областида 1493 кишига «Қаҳрамон она» унвони берилган. Фақат 1966 йилнинг ўзида областимиздаги кўп болалик оналарга ўн миллион сўмдан ортиқ давлат нафақалари тўланди.

8 Март барча мамлакатлар хотин-қизларининг бирдмлик кунидир. Сийёси ва диний қарашлари ҳар хиллигига, турли социал тузумга мансуб бўлишларига қарамасдан, уруш ва мустамлаана зулми бўлмаган, нашоқлик ва очликдан халос бўлган янги дунё сари интилиш планетамиз хотин-қизларини ягона куч қилиб бирлаштиради. Улар замонамизнинг иқтисодий-сийёсий кучлари сафида бардам туриб, ҳақиқий тенг ҳуқуқлилик учун, сийёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда актив қатнашиши учун, тинчлик ва ўз фарзандларининг бахт-саодати учун курашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига таъйргарлик тўғрисида»ги қарорда хотин-қизларга мурожаат қилиб, шундай дейилган: «КПСС Марказий Комитети толмас меҳнатқиллар бўлган совет хотин-қизларини бундан буюв ҳам ўзларининг куч-гайратлари ва ташаббусларини коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга сарф қилишга, ёш авлоднинг тарбиялаш тўғрисида тиймай ғамхўрлик қилишга чақиради».

Шонли хотин-қизларимиз бутун совет халқи билан бирга мамлакатимиз иқтисодий ва ҳарбий қудратини тагин ҳам кўпайтирадлар ва КПСС XXIII съезди белгилаб берган улуғвор режаларини тагин ҳам зўр гайрат билан амалга оширадлар. Бу уларнинг Улуғ Октябрининг шонли 50 йиллиги тўғрисида муносиб совгалари бўлади.

Х. И. СОДИҚЖОНОВА.

Ўзбекистон КП Тошкент области комитетининг иштирокчиси.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Совет ҳокимияти хотин-қизларга саводхонлик, маданият — маориф ва малакали меҳнатини тенг қўлини очиб берди. Аҳолини руҳхатга олиш 1926 йил маълумотларига қараганда Ўзбекистонда ҳар юз аёлининг атиги биттаси саводли бўлган. Ҳозир Тошкент обла-стининг ўзида 38 миңг 200 олий маълумотли хотин-қиз бор. Шунлардан 7879 киши инженер, 1254 киши агроном-зоотехник, 3105 киши зоономист, 5895 киши врач, 17 миңг 757 киши педагог, кутубхоначи ва маданият оқартув муассасалари ходими бўлиб ишламоқда.

Тошкент областида қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб борувчи 7 та илмий институт бор. Шунларда хизмат қилаётган хотин-қиз илмий ходимлар 300 га яқиндир.

Республикамиздаги илмий тадқиқот муассасаларида 2000 дан ортиқ хотин-қиз ишлаб турибди. Улар орасида 25 фан доктори, 18 профессор, 730 дан ортиқ фан кандидати ва доцент бор.

ЗАМОНАМИЗДАН УРГИЛАН

БУГУН байрамимиз. Ҳамма хурсанд шоду хурам, Шундай улуг айём кунларида ўғил-қизларимиз бахтидан, замонамиз фазилатидан тулиб-тошиб гатирингиз неладим. Мен ҳам бугун хушхўд байрам кунида ўз ағачларим билан қувончларимни ўртоқлашмоқчиман.

Мен онамга, она бўлганда ҳам хотин-қизларга бахт-саодат бағишлаган, уларнинг толенни юксакликларга кўтарган советлар замонасининг ўқтам онаман. Беш қиз, беш ўғлим бор. Рихсиҳон, Мунаввархон, Дилоромхон, Уятганхонларини уй-нонли қилганман. Кенжа қизим Муҳаббатхон ўтган йили медицина билим юртига таомлади. Ҳозир у шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаётди. Уғилларидан Омогулла — бинокор, Сайдианим — ноҳқачи, Утири — газета ходими, Уддин — савдо хизматчиси. Кенжам, Бехзод Тошкент политехника институтини химия-технология факультетининг иккинчи курсида ўқитиб, Фарзандларимнинг ҳаммаси она юртга сийдиклидан хизмат қилиб, кўччилик раҳматини, хурматини қозонишпти.

Утмишда уй чўриси, паранжи ва чордвор тутқуни бўлган муштираб хотин-қизларни рўшноликка чиқарган замонамиздан ҳар қанча миннатдор бўлсан, ўргулсан арийдир.

Баҳри АВДИАЗИМОВА, наҳрамон она, Орқонқизде районидидаги Киров номли колхоз.

МЕНИНГ БАХТИМ

Мана, 15 йилдирки тўқимачилик комбинатида ил Янгийўл фабрикасида ишлайман. 1-ин Янгийўл фабрикасида келганимда хунари йўқ ёш қиз эдим. Шу ерда касб оғалладим, дугоналарим қатори ўқиб-ўргандим. Ол-халлик бўлдим. Ҳозир тўрт қиз, бир ўғлим бор. Виз Янгийўл ишларининг узулигини ҳисобласан, аҳтимом ер юзини неча марта ўраб олишга етар, деб ўйлайман.

Ҳозир бригаданда 12 кишимиз. Улар ҳам худди мен сингари фабрикада хунар ўрганилган.


Мақсадиним ҳам бир — элимизни яхшироқ кийинтирайлик, кишиларимиз бекирим, чиройли матоларинимиз макташин, дейимиз. «Оқ олтин»нингдан тўқинилётган газламалар доврғини янаим бутун оламга тарқатсин, дейимиз.

Шу ният бизин янада унумдорроқ меҳнат қилишга ундайди. Негаки, Октябрнинг эллик йиллиги арафасидимиз. Бизнинг коммунистик меҳнат бригадамиз аъзолари шу улуг байрамга муносиб меҳнат совғаси тайинланган иштиқиди. Уш ойланин 25 октябрда бажарамиз. Деярли ҳамма маҳсулотимиз биринчи сиртта топширмоқчимиз. Вала Антошкина, Лена Строй, Зина Габулатдино-



ва, Зоя Зубира каби дугоналарим бу мажбуриятни албатта бажарамиз, дейишпти. Бунга ишончимиз қомил. Ҳар биримиз смена топширқиларини 110 процентдан ошириб адо этишимиз шу кулларда. Дугоналарим билан ўз байрамимизни ана шундай орзу-ниятлар билан қарши олдик. Мария ТУРСУНХУҲАЕВА, Тўқимачилик комбинати 1-ин Янгийўл фабрикасининг ишчиси.

ШАРАФЛИ КАСБ



Педагогман, касбим билан беҳад фахрланаман. Тарбиямин олган, меҳнатим синган, ҳозирда эса масъул вазифаларда ишлаб келаятган ошиб талабаларимни кўрганамда хурсандликдан энтикаман. Бу Буюк Октябрь шарафатидан, буюк Ленин, доно партияимиз бебаҳо даҳосидан дейман. Ҳа, бир вақтлар еппасига саводсиз бўлган ўлкамиз бутунги кунда маърифат машъалидан нур эмган саводхон дийрга айланди.

Мантаб кучючига илк бор надам қўйган ҳалқонли дақиқала-

римни ҳали-ҳали эслайман. Ушанда ўзбек хотин-қизлари орасида саводли ишчилар жуда оз эди. Қўнлаб мактаблар очилди, билимга чанқоқ хотин-қизлар ҳам эриқлар қатори маърифат ўқонларига жалб этилди. Эндиликда улар орасидан қўнлаб доғдор кишилар етишиб чиқди.

Билимга қон мактаб педагоглар учун энг севимли даргоҳ бўлиб қолди. Мана, 27 йилдирки, шу фахрли касбда ишлаб келаятман. Мақсадиним — ёш авлодга пухта билим бериш. Ўқитувчилар фаолияти устидан, мактабда амалга оширилаётган барча ишлар юзасидан назоратини кучайтирмай туриб, таълим-тарбияда қўнган натижаларга эришиб бўлмайди. Мен директорлик қилаётган мактабда ҳам ана шу талабга қатъий риоя қиллядим.

«Машғулотларини маъмулий ва қизқарли олиб борамиз!» Бу — мактабимиз ўқитувчиларининг қатъий шiori. Ўқитувчиларга пухта билим бериш билангина шонли юбилейга муносиб совғани бўлади. Мактабда юбилей муносабати билан 4 та музей ташкил этилди. Янги очилган хўшхўд ва ватанпарварлик бурчати ҳам юбилейга армуғон бўлади.

Каллини райолидаги 37-мактабнинг директори, И. ЖАЛИЛОВА.



Сиз ушбу суратда Урта Осеб ирригация илмий-текинриш инсти тутининг ишчан ходимлари (чадан) иладий илмий ходим Ф. Азиева, старший илмий ходим К. Авлонова ва младший илмий ходим, Ш. Бобононовларни кўриб турибсиз. А. Абалин фотоси.

БУГУН 8 МАРТ-ХАЛҚАРО ХОТИН-ЎЗГАРЛАР КУНИ

ХОТИН-ЎЗГАРЛАР КЛУБИ

(ТАРИХГА БИР НАЗАР)

Б АХТИМНИНГ баридор қилган Улуғ Октябрьнинг 50 йиллик байрами йилини кечирмоқдамиз. Бу...

1928-1930 йилларда клуб маҳалла-ларда жуда катта саноий тушунти-риш ишлари олиб борди. Натияжада...

Масалан, 1932 йилда клуб тўғриси-ларда 1200 га яқин хотин-қиз шу-гулланган. Шулардан кейинчалик...

ларнинг «Қизил тоғ», «Уртоқ» ва бошқа фабрикаларга йиғиб қўйиш-тириб қўйди. Шунингдек, бунда...

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

БОҒ-РОҒЛАР ОШИҒИ



Суратда ўртоқ Х. ПАЈИЗЕВА.

Сўқоқ... Бу қиллоқ ўзининг хушманзара табиати, нов-ниҳол-лари, ширин-шарбат мевазор...

да иш янада қизиқ кетди. Мана бир неча кундирки, Хазиналар бригадаси тиним билмайди.

Эттиччи синфинг битиргандан сўнг қиллоғидаги Калинин номи колхозда оддий колхозчи бўлиб ишлаш бошлади.

Ана, бир гуруҳ йилгит-қиз орасида ёшлари қирқлардан ошиб қолган аёл ҳам бор. У...

вали даракларга шакл бермоқ-да. Агар сиз яна ўн-ўн беш кун-лардан кейин келсангиз, уни...




М. ҚОСИМОВА, тарих фанлари номзоди.

Б у аёл техникага жуда их-лос қўйган. Донжо рулга ўтириб трактор ҳайдашни бую қиларди.

Хотин-қизлар клуби 1924 йил 10 майда очилган. Бу муассаса ўша ма-ҳалда иш бошлаган биро ҳали ҳам бор, у Пушкин парки ёнида.

ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН




Ҳаётимизда хотин-қизларга муно-сабатда айрим эскилик сарфитлари хали ҳам учраб туради.

Б АИРАМИМЗИ Улуғ Октябр-нинг ярим асрлик уланган тўғри-қилган йилнинг қизини тайёргар-лик билан уйғунлашмоқ кетди.

Биз бундан бундан бундан раён-даги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада ош-ришда партия ташкилотларига ерд-дам берилса даъват этилган.

МАРРАМИЗ-40 ЦЕНТНЕР



Октябрь эиёси асрлар бўйи эн-миктолда ётган биз совет хотин-қизларига абадий ғуругли бахш этди.

РАКАМЛАР ХИЖОЯ ҚИЛАДИ

Револуциядан илгари Ўзбекистон саноатида атиги 65 хотин-қиз ишларди.

Мамлакатимизда 1 миллион 150 миңдан ортиқ хотин-қиз ордан ва медаллар билан тақдирланган.

Дунё хабарлари

ХО ШИ МИН НУТҚИ

ХАНОЙ, 6 март. (ТАСС). ВДР Президенти Хо Ши Мин Ҳаётй илпояти надр қодимлари хузурида сўзлаган нутқида: «Бизнинг партия-миз — ўз халқига, синфига, революциясига хизмат қилганда...

муваффақият билан ривожланти-ришди. Илпояти вазира ақоли ўртасида талафотларни жамай-тириш учун ҳаво ҳужумига қарши муҳофазани ва нурулди нурулди муҳофиза ташкили ётишдан иборат-ларди...

АМЕРИКАЛИК УЧУВЧИНИНГ ЭЪТИРОФИ

ХАНОЙ, 6 март. (ТАСС). Амери-ка авиациясининг Ханойга ва унинг атрофидаги жойларга ҳужу-ми қилишдан мақсади қарбий обектларини йўқ қилиш эмас эди.

диг ва унинг атрофидаги маҳал-ларга қилинган авиация ҳужу-мларида қатнашган Америка ҳар-бий ҳаво кучларининг учувчини Ричард Строттон айтди.

ТУРМУШ ВА МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИНГ ЯХШИЛАНИШИ УЧУН

ФИНЛЯНДИЯ КОМПАРТИЯ-СИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ХЕЛЬСИНКИ, 6 март. (ТАСС). Финляндия Компартия-си Марказий Комитетининг бу ерда 4—5 мартда бўлиб ўтган пленумида идеология ишлари масалалари диққат марказида турди.

КОЛОМБО. Цейлондаги стравоение корпорацияси хизматчилар-ридан бир миңдан кўпроқ киши иш ташлаган давлат ва коммерция банклари хизматчиларига қўшилди.

ҚАТБИЙ ҚОРАЛАНДИ

ҚОҲИРА. Осиё ва Африка халк-лари бирдамлиги ташкилоти до-имий секретариатининг бу ерда эълон қилинган махус баёнотида: «Осиё ва Африка халқлари бир-дамлиги ташкилотининг доимий секретариати АҚШ ҳукумати Вьетнамдаги урушни қайта-қайта...

ПЛАРИЖ. «Перкинс-Испания» компаниясининг Мадриддаги дизель моторлари заводи ишчиларидан 1.100 киши Мадриддаги ишчи комиссиялари раҳбарларидан бири Марселлино Камачонинг қамоққа олинганига қарши норозилик билдириб, қисқа муддатли забастовка ўтказди.

БИРЛАШГАН СЎЛ КУЧЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ПАРИЖ, 6 март. (ТАСС). Фран-ция Компартиясининг беш секретари Вальден Роше илплат ман-лисига ўтказилган сайлов бирин-чи даврасининг натижаларини ақунлаб, Коммунистлар партия бир неча юз миң сайловчининг овоз-ини олишига эришиб, мамлакатда биринчи сўл партия сифатида ўз урунин мустахкамлаб олди.

ЛОНДОНДА АНГЛИЯ-МАЛЬТА МУЗОКАРАЛАРИ

ЛОНДОН, 6 март. (ТАСС). Мальта оролидаги инглиз қўшин-ларининг сони камайtirилмоқчи бўлганлиги билан алоқадор про-блемалар устида олиб борилаётган Англия-Мальта музокаралари ке-ча-кечкурун Лондонда яна бош-лаб юборилди.

министри Вильсон билан учраш-ди. Ана шу учрашувда музокара-ларни яна бошлаб юбориш ло-зим, деган қарорга келинган бўл-са, керак. «Таймснинг ёзишига қараганда, кечаги музокара-лар «хор иккала томоннинг умидворли-ги» вазиётида бошланган.

НИКСОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 март. (ТАСС). АҚШнинг соёқ вице-президенти Никсон Вьетнам Демократии Республикасини бомбардимон қилишларини зарарча бўлса ҳам тўхтатишга қарши чиқаётди.

турлидан эди, лекин бу нарса тинчликка олиб келмади, деди. Никсон аэропортдаги гап-ни сенатор Роберт Кеннедининг яқинда қилган тақлифига жава-бан айтди.

ЦЕЙЛОН

КОЛОМБО. Цейлондаги стравоение корпорацияси хизматчилар-ридан бир миңдан кўпроқ киши иш ташлаган давлат ва коммерция банклари хизматчиларига қўшилди.

АРГЕНТИНА

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинада Онгани қарбий ҳукуматининг иқти-содий ва иқтимоий снётати қарши норозилик юзасидан умуини 24 соатлик забастовка бўлиб ўтди.

ИСПАНИЯ

ПЛАРИЖ. «Перкинс-Испания» компаниясининг Мадриддаги дизель моторлари заводи ишчиларидан 1.100 киши Мадриддаги ишчи комиссиялари раҳбарларидан бири Марселлино Камачонинг қамоққа олинганига қарши норозилик билдириб, қисқа муддатли забастовка ўтказди.


МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР



Соф виқдонли америкаликлар Вьетнамдаги ифлос урушга қарши норозилик билдиришмоқдалар. Сиз суратда кўриб турган аёллар ҳам улар сафида. «Аёллар, тинчлик учун курашингиз» ташкилотининг эъзолари урушга қарши плакатларни кўтариб кўчага чиқинди. ЮПИ-ТАСС фотоси.



Қизлар қалбидини тирекнабалари



ҚИЗ БАХТИ КИМДА ЭНАН

Қир тўла қирини лола,
 Хаёл сураб қиз бола,
 Юрак инисли шалола
 Оҳ, бахти қайда экан?
 Шамол эсан ёгдами,
 Е олмасор ёгдами,
 Ошпоқ қорди тогдами,
 Оҳ, бахти қайда экан?
 Ун тўқизга тўлганда,
 Сочлар толлим бўлганда,
 Бахти қандай кулганда,
 Иқболи қайда экан?
 Қўшин ҳовли боласи,
 Кўрсатмайини қорасини,
 Топмас висод чорасини,
 Қиз бахти шунда экан...

Эътибор ОХУНОВА.

ШЕЪРИМГА

Шеърим, Сенсан юрак сирдошим,
 Ишиқим билан уйғонман-уйғоқ,
 Баъзан тугаб сабу-бардошим,
 Сенга бир оз қиламан фироқ,
 Сенсан менинг йўлимда ҳамроҳ,
 Дилда борим айв-куғудай,
 Қалам тутсам учур хаёлим
 Парвозга шай-олам кезгудай...
 Қанотлангин, бўлогин манзур,
 Жушқинлиқдан ичкни иншоона,
 Эҳлосмандлар қилсалар кузур,
 Мен ёганим ёна ва ёна...

Муҳаббат ТУРОВОВА.

ҲИЖРОН ВА МУҲАББАТ

Ҳижрон кутар доим инкизишим
 ҳам,
 Кутганидек бизни бахтимиз
 бешак.
 Кимлар айтди сенга ҳижронини
 дард деб?

Ҳижрон — соғинч, ҳижрон — севиш ҳам демак.

Кўрмасам ишайман хаёлингиз банд.

Кўз олдида яқоқ меҳринг, кулишинг.

Оширарми булар менинг соғинчим:

Эшикка қарайман кутиб келишинг.

Кутинг аёл учун янгилик эмас,

Шундай кутганимкин дейман Нодира?

Орадан қанча давр ўтган бўлсада,

Бирдек кутар аёл, унутмай сира.

Биламан, келасан, балки ўша дам,

Перронда тўқнашармиз яна биз икков,

На илож касбиямиз — доим олдида

Узун сафар ётар — тақдир беаён.

Майли улгурмайлик висол севишчи

Сен менга, мен сенга айтмоқда ҳатто.

Кўзингдан бахтининг уқаман фақат,

Меп ҳам сўзсиз итём этаман вафо.

Кимлар айтди, сенга ҳижронини дард деб?

Ҳижрон — соғинч, ҳижрон — муҳаббат демак!

Раҳима ШОМАНСУРОВА.

БИЛДИРИШ

Ишчи мухбирлар шаҳар университетининг навбатдаги машғулот 10 март кун кеч соат 5 да (Правда Востока кўчаси, 26-уй, 4-қават, 105-хона) бўлади.



Чехраларинда қувонч барқ уриб турган бу дугоналар Т. Исамухамедова билан М. Каримовадир. Улар Тошкентдаги 186-мактабнинг аълочи ўқувчиларидир. Хотин-қизлар халқаро кўниши улар аъло ўқини, жамоатчилик ишида актив қатнашини билан кутиб олдилар.

Б. Мансуров фотоси.

ШОИР ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

Кечки овқатни еб наридан-бери,
 Хонасига кириб нетар бўлса гоҳ,
 Ихтиёрни қалам-қозоғга бериб,
 Тонгини миқна қонмай кутар бўлса гоҳ, —

Баънда илғи-ю, гурунгарга ҳам
 Хуши бўлмай қолса,
 Тортса қалами,
 Яна танҳо қолиб,
 Машаққатини,
 Заҳматини ченса шеърини оламнинг, —

Шунда баъзи бирлар шоир ҳанди,
 «Елғизликни мунча севмасан», — дерман, —

Чиндан елғизимди?
 Кузи олдида
 Турарди-ку қанча талабчан шеърдон.

Синса бирон инҳол, бунса қаддини,
 Боббончални куйрми ўзга?
 Илк нишоона тоти ва лаззатини
 Боббончални туйрми ўзга?
 Шоир куйсин, деймиз,
 Шоир туйсин, деймиз,
 Устримасе ҳамини у дарахт,
 Кўрдингизми, дўстлар, шоир бўлмонлики

Қандай савдо, қандай машаққат!
 Гулчехра НУРУЛЛАЕВА.

РАШҚИМ КЕЛУР

Қошларинг ёй, кўзларинг жуфт донан гаҳар сен,
 Шулу учунми ҳеч билолмам қалб мудою куйсар сен.
 Тим қора ионилларини чулғанда тун қизин,
 Кўз ҳисиб имлар йироқдан нуқра юдузлар сен.
 Сўзларинг тушгач хаёлга эсласам бир дам агар,
 Шўх қириқлаб пеш қилурлар қўрмагур қизлар сен.
 Гар ўтирсам анжуманда келтириб дил рашинини,
 Таърифингни айтишиб хўп мақташар кўллар сен.
 Илму-одо, пок вафога шунчалар ҳам боймасан
 Не учуним бир кўрганлар ўзига жуфтлар сен.

Ҳафиза ШАРОФҲУЖАЕВА.

ФАҚАТ СЕН БИЛАН

Ўлкаминг яшнаган қиру даласин,
 Бирга кезай дейман, юрим сен билан.
 Баҳорда очилган чамая лоласин,
 Бирга терай дейман, ёрим сен билан.

Хувиллаб қолсада куз фасли боғлар,
 Тўқилиб битсада ишля япроқлар,
 Бир умр тўқилмас севиш япроғи,
 Чунки уни ишиқинг ардоқлар.
 Муҳаррам ХОЛМУҲАМЕДОВА.



БАЙРАМГА СОВГА. И. Глауберзон ва В. Сироткин фототўюди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

З И Р А К

ИЛМА дарахтига қўниб турган охириг мусича ҳам бўрот тағига кириб пинакка кетди. Ун саккиз ёшда қизлар кўзидек тиниқ осмонда юдузлар жилваси уйғонди. Олтин кўйлақди оймума ҳам неча-неча хондонлар билан сўрашиб ўтиб Зухра хола уин тепасига келиб тўхтади. Айвонда, юмшорқина кўрпача устида пар ёстирига теганоглик қилиб оймумага ималди.

— Сенга ўхшайди-я, бону, хи-хи-хи.

Чой хўплаётган кампир осмонга қарайман деб қалқиб кетди. Чол мириқиб кулди.

— Эсингдами, гўшаганда ҳам қалқигандинг?

Кампир самовар олдидаги соғинчи олиб лаб-даханин артаркан, осмонга қаради. Қаради-ю, шўх кулгиси бутунлай ичиди қолди. Юдузлардан бири учиб кетганини ўз кўзи билан кўрди. Юрагини кимдир юлиб олганга ўхшайди. «Тавба, ўзинг асра!» — пичирлади кампир кўзлари бежоланиб.

— Ҳа, нега рангинг ўчиб кетди? — деди чол кўли келтир-ган ёшдан кўз миқналарини артаркан. Савол кампирнинг кўлогига кирмади. У осмонга тик-кўлаган ваҳима гирдобига ўраларди.

— Сенга нима бўлди?

— Алиягиз шу вақтгача кел-майпти-ку.

— Келмасе осмондаканим?

— Юлдуз учди. — деди-ю, кўзига милтилатиб ёш олди кампир.

— Ириминг курсин, ириминг, ма, манови чойни ичиб юбор, — чол ўз пиласидаги чойни узатди ва секин соатига қаради. Соат тили унинг ҳам қалбига гул-гула солди.

Худди кампир асаби билан ўйнашаётгандай ошхона томида икки ёввойи мушук бир-бирини еб қўйгудек жинка мушт бўла бошлади. Қайсидир қўшининг хўроз уйқураб қичқирди.

Кимнингдир арслондек кучли занкирини узиб юборгудек наъра тортиди. Авваллари бундай овозларни пиланд қилмайдиган кампирга булар ҳаммаси хом чипқонини ёргандек таъсир қила бошлади. Катта кўчада учиб келаятган машинанинг тўсатдан тўхтаган овози кампирни ўридан кўзатиб юборди. «Вой ўл-масам, бир бало бўлди!» Чол уин қайта ўтказмоқчи бўлиб атайидан ушлади. «Ҳадеб ваҳима қилсаверма!» кампир атайини тортиб олиб қовушини ойвонга зўрға илганча кўчага оғинди.

Тўхтаган машинанинг шофери кабинетдан чиқаятган, кўчадаги одамлар аса ўз ишлари билан бемалол кетаётган эди. Демак ҳеч гап бўлмапти. Барбир кампир тинчимасди. Троллейбус тўх-

таш жойига юра бошлади. Кетидан ҳассасига суяниб чиққан чолдин, бир амаллаб уинга кир-гизиб юборди. Транспорт тўх-таш жойига бориб анча турди. Неча-неча троллейбус, автобус, қанчаам такси ўтиб кетдию, лени Алдан дарак бўлмади. Ўртоқларидан ҳам биронтаси кўринмади. Кампирнинг миеси бутунлай гузуллади. «Улга кир-ганини кўрмадиммикин?» У қай-тиб ҳовлисига кирди. Чоли ни-мандир ўқимоқчи бўлиб, кўз-ойнагини ахтараятган эди. Алиягиз хонасида эса чироқ йўқ. Келмапти. Кампирнинг саб-рози чидмай яна орқасига қай-тиб чиқиб кетаётганда қўшни қизи Раҳимага дуч келди.

(ҲИКОЯ)

— Хола, Алиягизни кўрмай нима қилиб турибсиз?

— Ҳаерда кўрдинг? — шошиб қолди кампир.

— Телевизорда кўрсатишяпти.

— А?

— Телевизорни қўймаганми-дингиз?

Кампир унинг саволига жа-воб бермай, ҳовлига кирди. Қо-қилар-суқиларига қарамай, ич-нари уинга кириб, бутун нега-дир кўйилмаган телевизорни буради. Кетидан кирган чол-

нинг гапига қулоқ солмай, уни койиб кетди. «Минг марта айт-дим, телевизорни айвонга олиб чиқиб қўйялик деб, унамиди-гини. Алиягиз чиқаятганмиш.

— Ростданми? Қани, қоч бўл-масе, ўзим гўргилай.

— Қош қўймам деб кўз чи-қарасиз, нарироқ туринг.

— Маҳмадоналининг қолма-ди-қолмадида, сен кампирнинг.

Уларнинг бир-бирга келиш-ларини кутмаёқ телевизорнинг ўзи овоз бериб, кўрсата бошла-ди. Чоли-кампирга ҳар кунг-и эрандан салом берадиган ди-ктор қизлари худди шу топда на-бирларинга яқин келиб унга са-вопл бераётган эди.

— Биринчи маошинингизни олибсиз. Алиягиз, табирлайми-за. Уни нимага сарфлашгинизни айтиб беролмайсанми?

Чол-кампир бир-бирларига таъин билан қараб қўйишди. Алиягиз, Зухра хола нафас ол-ишга ҳам қўриб, юрагини ҳовучлади. «Ишқилиб тўтилиб қолмасин, шунча одамнинг ичи-да шармаида бўлмасин». У ёқа-сини маҳкам тутиб, куйиб қол-ган лабини кимтайверди. «Вой ўл-масам, нима деб волдырайт-ти, нега анди болагинда зира-гимини сийдириб қўйганини ҳам-мага айтаяпти? Йўқ-йўқ, бу ҳой-наҳой ўзини йўқотиб қўйди... Энди нима қилдим. Қанақа қи-либ одамларга қарайди нева-рам... Бети қаттиқроқ бўлса

ҳам майлидиз. Вой-вой нима дейди? Ушанда «катта бўлсам зирак олиб бераман дегандим» дейдими? Ҳа-ҳа, шундай деган-ди. Чол ўзини ҳам озингизни йириб ололмай кулгандиниз.

Унда болайди-да, дойдир-дуйдир эди. Энди... Ҳамма делевизорга ўқиб, пловни ундок қилдим, бундоқ қилдим, деса бу сийди-рган зирагини гапирайди-я! Али стол устида турган ички-нагига қозоғ тўтичани олиб ичани очди. Эжранда тилга зирак яққиради ва диктор қи-зинг овози эшитилди:

— Зухра хола, набирангиз Алиягизнинг биринчи меҳнат совғасини қабул этинг, шундай набирангиз борлигиндан биз ҳам хурсандим...

— Хоизринга истиҳоло қилиб ўзини қаерга қўйганин билмай турган Зухра холанинг севиған-нидан ўлкаси тўди.

— Шукур қил, бону; шукур қил.

Кампир пиқиллади.

— Оббо, эркалингиз қолма-ди-қолмади-да.

— Сизга олган нарасини те-левизорда айтмаганига Ингла-йпман.

— Бу сафар, 8-Март билан кутлаб сенга совға қилибди. Келас сафар менга олар, бувисе.

...Эртасига ерталаб маҳалла аёллари Зухра холаини зирак муборак бўлинига киришди. Яйра САЪДУЛЛАЕВА.

Реклама

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 Марта

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.55 — Эшитти-ришлар программаси, 11.00 — Ой-миқнинг байрами, 11.30 — Мульт-фильмлар (болалар учун), 12.00 — Илванна хужумда (баллий фильм), 13.05 — Концерт (коти-қизлар-нинг талабига мувофиқ).

14.05 дан — Москва кўрсатади.

Тошкент кўрсатади

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшитти-ришлар программаси, 18.00 — Те-левизионлар, 18.15 — Ҳар доим бўлсин онам (мактаб ўқувчилари учун), 18.55 — Ерим хабт (халқ-аро хотин-қизлар кўлига бағиш-ланган тележурнал).

20.25 — Эртанг кун програм-маси.

20.30 дан — Москва кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 8/III да Гулса-рам, 9/III да Чо-Чо-Сан.

ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРА-МА ТЕАТРИДА — 8/III да кундуз ва кечурун Парвона, 9/III да Гам-лет.

МУҚИМИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/III да кундуз Нурхон, кечурун Икки билгузум, 9/III да Бағри тош.

КИНО

Опа — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСК-ВА», «ВОСТОК», «ЧАНКА» (кундуз ва кечурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), САНЪАТ САРОВИ (тоқ соат 5 ярим, 7 ярим ва 9-15 минут-да).

У Ватаним химоя қилади — «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечу-рун), САНЪАТ САРОВИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Нико — НАВОНИ номли (кундуз ва кечурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (1-зада эр-талаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 да).

Людмила Павловна — «ЎЗБЕКИ-СТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч-урун), «ДРУЖБА» (кундуз 1 ва 5 да, 1-зада).

Лауша (1-зада кеч соат 9 да), «Шантенэра» маликиси (2-зада тоқ соатларда) — «ДРУЖБА», Сўнги қаллоб — «МНР» (кундуз ва кечурун).

Сир — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ-ЛИГИ» (кундуз соат 1 да), Қийишқ ойналар короллиги — «ЧАНКА» (эрталаб соат 10 да).

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети Бирлашган наш-риётнинг Бошқасона, Тошкент шаҳри.

Р. 11283. ИНДЕКС 64970. А. — 1815.

ОНАМГА МАКТУБ

Баъзан соғинаман, қумсайман бир дам, Қадалар расминга ўйчан кўзларим. Берган ўитларинг бўлади малҳам, Қозоғга тушарди юрак сўзларим: Наҳшанинг қайси бир қирғоқларидан, Босган изларимини ҳамон излайман. Чанқоғим қондирган бўлоқларидан, Лабим ҳароратин бер деб қўстайман. Ҳар тонг ташлаб гулзорга нигоҳ, Севган гулим ҳидлаб ўтарсан. Фарзандларга тиларсан паноҳ, Кўзинг йўлда хатлар кутарсан. Балки юрагингда кучли ҳажжон, Солдат волидасини меҳри жўш урар. Қаршингда хизмати бўлиб бир жаҳон

Пагонди ўлгининг сиймоси турар. Йўқ онажон, биздан ранжима, Фанга чанқоқ ёшлик дилимиз. Бу куйларни «ҳижрон» деб билма, Висол бўлмас фироқсиз шаксиз. Тўғри, кетдик ҳаммамиз ҳарён, «Оқ йўл!» дединг, келдимиз узатиб. Дилингда урарди меҳримиз тугён, Бахт тиладинг, бизни музатиб. Мана бүгун азиз волидам, Муқаддас номингга битуримиз калом. Бўлгин деб фарзандлар бахтига бардам, Узоқ ўлкалардан йўллаймиз салом. Майсара ҲАЙДАРОВА. Шаҳрисабз — Тошкент.

САДҚАЙСАР

Жуда «қийин» бўлдику бу ошнқу беқарорга, Гузаларини таллаб-таллаб келолмас бир қарорга. Кимга йиғлаб, кимга айтсин қориндаги дардини, Жон қизлар билмасе ҳеч шундай «Мажнун» қадрини. Бирни урган юрагидан, бири ўлкасига жо, Жигарида урган қизга қилсини ё влтижо. Эҳтимолки буйрагидан теккани ҳам бор бўлсе, Ниқ биримасе, бирваракай уч-тўртта қиз ёр бўлсе. Э, садқайи кет, ўйинг билан жигилдонингдан ургур, Сен ҳам бундоқ одам бўлиб, тўғри ўйлаб, тўғри юр!

У. ЖОНГИТОВ.

БАЙРАМ ХАНДАЛАРИ



Ўқитувчи: — ўтган суҳбатимизда кир ювишни ўр-ганган эдинглар, бутунги мавзу даэмол ва ундан фойдаланиш ҳақида борди.

— Байрам билан табриқлайман!...



И-яя шипани узатиб юбор, хотин... — Не?! Ло-ло-ла-лохон?! А. ХОЛИҚОВ расмлари.